



**ЯККАБОҒ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**

**Э Ў Л О Н И**

Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул килиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Яккабоғ туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён мағнада буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Яккабоғ тумани Янгиҳаёт МФЙ Наврўз қишлоғи ички хўжалик йўллари жорий таъмири (Мазкур харид килиш ҳужжатларини Техник топширик қисмида (2-иловасида) кўрсатилган.
Харид предметиинг бошланғич нархи ва етказб бериш (иш. хизматни тугаллаш) шarti:	438 750 000 (Тўрт юз ўттиз саккиз миллион етти юз эллик) сўм Шундан ҚҚС: 57 228 261 (Эллик етти миллион икки юз йигирма саккиз минг икки юз олтимиш бир ) сўм. Таъмирлаш ишларини бажариш 60 кунгача
Молиялантриш манбаи ва валютаси:	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган “Очиқ бюджет” жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоз микдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, колган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Яккабоғ тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан аълоқа боғловчи мансабдор шахс:	Низом Жуманов тел: 902881973 Яккабоғ тумани А.Темур 47-уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт. Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўришиб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади. Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт. Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

Яккабоғ туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи:

Яккабоғ туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси вақтисорачиси:



С.Суюнов

У.Хужаева



“ТАСДИКЛАЙМАН”

Яккабоғ туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи \_\_\_\_\_ С.Суюнов

“ 30 \_\_\_\_\_ 2022 йил



Яккабоғ тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шаклланган, "Очиқ бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштирилладиган эълон талабномаларида

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	5	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР рақамлари. Статистик маълумотлар. Бошқа мавжуд ҳужжатлар
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги	13	Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза, танлаш предмети бўйича таклиф, молиявий ҳисоботлар, иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатарида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хати, харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза)
3	Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат ёки банк қафолатининг мавжудлиги	22	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатишини асословчи танлов предмети бўйича тегишли банк муассасасидан қафолат хат тақдим этилиши лозим. Шунингдек талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предметининг камида 20% миқдорда маблағлар қолдиғи бўлиши. Агар ушбу талаб бўйича маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлмаган тақдирда, комиссия таркиби томонидан иштирокчи таклифи рад этилиши, ёки қисман баҳоланиш мумкин.
4	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари мавжудлиги	35	Танлов иштирокчисининг махсус техникалари (Автогрейдер, Каток 9-12 тон, Асфальто укладчик, Водовоз, Самосвал) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, техпаспортлар. Ижара асосида фойдаланиладиган техникалар ҳисобга олинмайди. (Истисно тарқасида фақатгина Асфальто укладчик техникаси ижараси ҳисобга олинади. Бунда ижара шартномаси ва бошқа асословчи зарурий ҳужжатлар талаб қилинади)
5	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	16	Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари. Шунингдек аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки хулосалар. Жорий таъмирлаш объектини жойда ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (махалла ва қишлоқ мутасадди вакилларида олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар)

6	Талов иштирокчисининг салоҳияти	24	Пудрат ташкилоти электрон рейтинги тўғрисида маълумот. Тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Ҳисоб рақамидаги қолдиғи. Солиқ, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар.
7	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	10	Ходимлар сон ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар
<b>ЖАМИ:</b>		125	

Изоҳ: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий қабенитлари орқали 2 иш кунда электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлари мумкин.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштрочилар томонидан ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслиги тўғрисида огоҳлантирамыз.

Танлаш харид комиссия раиси:

С.Суёнов

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Н.Жуманов

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Н.Оққўзиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Н.Сатторов

Танлаш харид комиссия аъзоси:

М.Очилов

Танлаш харид комиссия масъул котиби:

У.Хўжаева



Handwritten signatures in blue ink corresponding to the names listed on the right: S. Suyunov, N. Jumanov, N. Okkuziyev, N. Sattorov, M. Ochilov, and U. Xujayeva.

Яккабоғ тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йилги жамоатчилк фикри асосида шаклланган, "Очиқ бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномалари

**МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ  
Р Ё Й Х А Т И**

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова)
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳр билан тасдиқланган нусхаси
3	Закалад киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк қафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда)
4	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хатлар (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова)
5	Молиявий ҳисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда)
6	Ишчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсул фаолият бўйича тажрибаси)
7	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
8	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза ( хард қилиш ҳужжатларига 14-илова)

ИЗОҲ: *Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Яккабоғ тумани ҳокимлиги ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи:



С.Суюнов

Яккабоғ тумани ҳокимлиги ободонлаштириш  
бошқармаси иқтисодчиси:

У.Хўжаева